

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш учун
15-408-РБ-22/ЙЛ-сонли**

ШАРТНОМА

2022 йил 22 ноябр

Қарши шахри

“Қашқадарё вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК “Буюртмачи” тарафнинг тўлик номи ва ташкилий-хукукий шакли филиали (келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи “Буюртмачи” тараф директори **Ф.Тожибоев** бир томондан, “Иш бажарувчи” тарафнинг **“QASHQADARYOYOOLLOYOIHA” МЧЖ** (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталади) номидан **Низом** асосида иш юритувчи “Иш бажарувчи” тарафнинг **раҳбари А.Хамраев** иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408 сонли карори хамда Халк депутатлари вилоят Кенгашининг 2022 йил 4-ноябрдаги VI-52-169-4-0-К/22-сонли карори ва 2022 йил учун Манзилли рўйхатга асосан куйида кўрсатилган обьект бўйича техник қўригидан ўtkазиш ва лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш бўйича шартнома туздилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича мажлис ўтказилган (баённома тузилган) санадаги Объекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича тузилган **2022 йил 14 ноябрдаги баённома ва 183064-сонли лотга асосан “Лойиха-смета хужжатлари тайёрланаётган Каёби тумани Пандирон МФЙ Янгийўл, Яшнароғ, Мустақиллик, Истиқлол, А.Темур, Наврӯз, Янгихаёт, Тинчлик, Қуйиновқат, Маърифат, Гулзор қўчаларини жорий таъмирлаш ишлари учун Лойиха смета хужжатларни тайёрлаш** обьекти лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва тайёрлашни Бажарувчи ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун топширик бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни кабул килиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини амалдаги тартиб-коидалар ва меъёrlарга риоя этган холда ишлаб чикади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси - 1-иловага мувофиқ;

- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;

- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади ва ушбу шартноманинг ажralmas кисми ҳисобланади.

1.5. Бажарувчи шартнома бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикади. Учинчи шахсни ёллаган холда белгиланган тартибда Буюртмачи ёки Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.6. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хulosасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва кидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги конунчиллик хужжатларига мувофиқ равишда кабул килиб олишини таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топширик ва келишилган график асосида ўз вактида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир хафтадан ошмаган муддатда, талаб килинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қўйидаги шартлар тўлик амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг

бажарилиши бошланган хисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул килиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиха-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли ради жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичидан уни тўхтатиш бир-бирини хабардор килиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган окибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро хисоб-китоб килиш вакти хисобланади.

ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси кўшимча қиймат солиғи билан **22 120 000** (Йигирма икки миллион бир юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур объект бўйича тўлов манзилли дастурга тасдиклангандан кейин молиялаштириш манбаи аникланиб, маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда "Буюртмачи" тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг **15 %** микдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгид бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шахарсозлик нормалари ва коидаларига мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиклангунга кадар жавоб беради. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равиша ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда иқтисодий судга мурожаат килишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳаки кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,01 фоизи микдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар кийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор килинганда, шартнома бекор килингунга кадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га кайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор килиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор килиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳакиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ хисоб-китоб килинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблағлар ва бошка тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиш хукуқига эга.

Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ыонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлик холда тарафлар ўргасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган такдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иктисадий судда кўриб чиқилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий ҳаракатларни содир килмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равишида пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини уларни беришга вაъда килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар кандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимдари томонидан ҳар кандай вакт ва шаклда қуидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва руҳсатномалар олиш, солик солиши, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, конунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда конунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш максадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, вайда килиниши, берилниши;

б) конунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириши ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқисига конуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасаруф этиш кўчириш усулини, пул маблагларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиши, ундаш, тазик ўтказиш ёки таҳдид килиши. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабарлор килиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация килиши ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, руҳсатномалар ва бошқа руҳсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьютерлар, хукукшунослар, хисобчилар, улар номидан ҳаракат килувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

-коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурияти доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;

-уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳак микдоридан асосиз равишида ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат киладиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганилиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу ҳам зудлик


билин хабарлор килиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар күрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор килишини талаб килиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф килиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чикиш натижалари хакида хабардор килмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб килишга хакли.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга кадар амал қиласди.

8.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов манзиллий дастурига киритилиб, ушбу обьект бўйича ҳисоб раками очилганидан кейин, ҳисоб ракамига маблағ ажратилгандан сўнг тўловлар амалга оширилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

Буюртмачи:	«Иш бажарувчи»
Қашқадарё Минтақавий йулларга буюртмачи хизмати ДУК Манзили: Қарши шахри Хонобод ва А.Навоий чорраҳаси 66-уй Тел:224-16-75 Факс: 224-16-98	Корхона номи: QASHQADARYOYOOLLOYIHA" МЧЖ Манзили: Қарши шахар Бешкент йўли 5 км 5-уй Тел: 90-615-19-59; 91-642-40-05 СТИР: 203 577 414 ОКЭД: 71110
ИНН: 304 934 733 ОКЭД: 71110 Ш.х/р: 3018 2186 0104 0170 4520 4118 131	
Тошкент ш. Марказий банк ББХККМ Молия Вазирлиги Фазналилиги - МФО:00014 ИНН 201 122 919 Х\Р: 234 020 003 001 000 010 10	Банк: Тошкент шаҳар АТ “Алоқа банк” МФО: 00 401 Х\Р: 2020 8000 7041 1455 1001
Директор:  Бош юристконсультант: 	Ф.Тожибоев  А.Хамраев 